

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

11-сон
(1031)
2022 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

113. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ўРҚ–759-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

114. «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон Фармони

Бешинчи бўлим

115. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

- директорининг 2022 йил 4 мартдаги 01/11-14/16-сон «Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3239-1*)
116. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 мартдаги 6-мх-сон «Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3353*)
117. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги бош директорининг 2022 йил 8 мартдаги 2-сон «Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-1*)
118. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги 5-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 26 февралдаги 2022-06-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2107-1*)
119. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 10 мартдаги 13/02-22-00081-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-2*)
120. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 февралдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-2*)

121. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 19 февралдаги 221-мқ-сон «Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3354*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

113 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 14 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»-ги 417–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **12-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги «паспортининг серияси ва тартиб рақами» деган сўзлар «паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмдаги «паспортининг серияси ва тартиб рақамини» деган сўзлар «паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақамини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмдаги «паспортининг серияси ва тартиб рақамини» деган сўзлар «паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақамини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **4-моддаси биринчи қисмининг 8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 мартда эълон қилинган.

«8) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, идентификацияловчи ID-картасида ва дипломатик паспортида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг идентификацияловчи ID-карталарида».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар) **227-моддаси иккинчи қисми диспозициясининг «а» банди «паспорт» деган сўздан кейин «ёки идентификацияловчи ID-карта» деган сўзлар билан тўлдирилсин.**

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9,

229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда) **429-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этаётган шахсларнинг кимлиги паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар,

№ 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **223-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортсиз ёки идентификацияловчи ID-картасиз ёхуд ҳақиқий бўлмаган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини, хорижга чиқиш учун биометрик паспортини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган идентификацияловчи ID-картаси (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши, идентификацияловчи ID-картасини (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини) қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши —

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган айни бир ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл қўйилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан идентификацияловчи ID-картасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўн саккиз ёшгача бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан идентификацияловчи ID-картасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди»;

2) **223¹-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«223¹-модда. Паспортдан ёки идентификацияловчи ID-картадан ғайриқонуний равишда фойдаланиш

Шахслар томонидан йўқолганлиги тўғрисида ариза берилган ўз паспортларидан ёки идентификацияловчи ID-карталаридан, шунингдек бошқа шахсларга тегишли бўлган паспортлардан ёки идентификацияловчи ID-карталардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш»;

3) **223³-модданинг номи ва диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«223³-модда. Паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёхуд паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани гаровга олиш

Паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани шахслардан қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёхуд паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани гаровга олиш»;

4) **225-модда:**

биринчи қисмининг диспозициясидаги «вақтинча прописканинг» деган сўзлар «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг диспозициясидаги «вақтинча пропискадан

ўтишини» деган сўзлар «вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) **67-моддасининг учинчи қисмидаги** «паспортига оид маълумотлар» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар) **32-моддасининг иккинчи қисми** «паспорти ёки» деган сўзлардан кейин «идентификацияловчи ID-картаси ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 199-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 970-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **159-модданинг учинчи қисмидаги** «яшаб турган жойдаги» де-

ган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **174-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойга кўра, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойга кўра белгиланади»;

3) **205-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойидан ёхуд ота-онасидан бири доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бир ой ичида амалга оширилиши лозим»;

4) **212-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳни қайд этиш, никоҳланувчи шахслар доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан амалга оширилади»;

5) **215-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«215-модда. Никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома

Никоҳ тузилганлиги қайд этилганидан кейин никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади»;

6) **218-модданинг иккинчи қисмидаги** «яшаш жойидаги» деган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **223-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўлимни қайд этиш марҳумнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлимни қайд этиш суднинг мазкур қарорида кўрсатилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Агар суднинг ҳал қилув қарорида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи кўрсатилмаган бўлса, ўлимни қайд этиш ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

8) **224-модданинг:**

биринчи ва иккинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

учинчи қисми биринчи қисм деб ҳисоблансин;

9) **225-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўлимни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ўлим ҳақидаги тиббий маълумотнома ёки фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори тақдим этилиши зарур»;

10) **226-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фамилияни, исми ва отанинг исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан, ушбу шахснинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар, кўриб чиқилади»;

11) **228-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига тузатишлар киритиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш ариза берувчининг аризасида кўрсатилган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади»;

12) **232-моддадаги** «яшаш жойидаги» деган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайтдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозим» деган сўзлар «ушбу фарқ мулкдор томонидан қайтарилиши талаб этилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **133-модданинг учинчи қисмидаги** «доимий прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-мод-

да, № 9, 589-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **7-моддасининг олтинчи қисмидаги** «паспортини» деган сўз «идентификацияловчи ID-кارتасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда, № 12, 630-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 491-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 9, 905-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **45-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чақирилувчиларга идентификацияловчи ID-карталарни ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни бериш, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тўғрисидаги ахборотни туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига реал вақт режимда электрон тизим орқали юбориши»;

2) **46-модданинг иккинчи қисмидаги** «қайд этилган жойдаги» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойдаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»**ги 617–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 86-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, № 2, 139-модда, 4-сонга илова) **14-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари тарзидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партиянинг ҳисобкитоб varaғига шахсан, паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд унинг ўрнини босувчи ҳужжатни тақдим этган ҳамда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилиясини, исмини, отасининг исмини ва паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказди».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 702–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «паспортидаги маълумотлар» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **22-модданинг биринчи қисмидаги** «паспортидаги маълумотлар» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картага оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майда қабул қилинган «**Истеъмом кредити тўғрисида**»ги ЎРҚ–33-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 5, 216-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«истеъмомчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси (шахсини тасдиқловчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи»;

2) **10-модданинг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«истеъмомчининг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси (шахсини тасдиқловчи ҳужжати) серияси ва рақами ҳамда яшаш жойи».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «**Микромолиялаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–50-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 492-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2018 йил, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил № 3, 203-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахс учун — унинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси (шахсини тасдиқловчи ҳужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор учун — қўшимча равишда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва банк реквизитлари»;

2) **14-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти ёки

идентификацияловчи ID-кارتаси (шахсини тасдиқловчи хужжати) серияси ва рақами, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили (якка тартибдаги тадбиркор учун қўшимча равишда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва банк реквизитлари кўрсатилади) ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами ва банк реквизитлари».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ–301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **17-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари томонидан — берилган паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар тўғрисида, шу жумладан йўқолган ёки амал қилиш муддати тугагани ўрнига берилган паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар ҳақида, шунингдек автототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда уларнинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **18-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «паспортига оид маълумотларни» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-кارتасига оид маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **16-моддаси биринчи қисмининг қирқ олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига идентификацияловчи ID-карталарни ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспортларни, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи ID-карталарни, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини, шунингдек чегара зонасига кириш учун рухсатномалар беришни ҳамда

уларни алмаштиришни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни амалга ошириши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш масалаларини кўриб чиқиши».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **295-модда иккинчи қисмининг 6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) шахснинг ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатларда (бундан жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалар мустасно) кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми унинг паспортидаги ёки идентификацияловчи ID-картасидаги ёхуд туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги фамилияси, исми ёки отасининг исми билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёхуд тегишли эмаслиги»;

2) **300-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «паспортининг кўчирма нусхаси» деган сўзлар «паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг кўчирма нусхаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда) **205-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «паспортида ёки» деган сўзлар «паспортида ёки идентификацияловчи ID-картасида ёхуд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 8, 489-модда, № 10, 595-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 10, 968-модда) **22-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмнинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
иккинчи қисмнинг тўртинчи хатбошисидаги «паспорт маълумотлари» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 январда қабул қилинган ЎРҚ–517-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 6-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **18-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

номидаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмнинг ўзбекча матнидаги «чет элга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти»** деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелда қабул қилинган **«Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–532-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 198-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «доимий ёки вақтинча прописка қилинган» деган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «доимий ёки вақтинчалик прописка қилиш» деган сўзлар «доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **17-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «прописка қилиш» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган **«Қурол тўғрисида»**ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда; 2020 йил, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **13-модда:**

олтинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта (шахсини тасдиқловчи ҳужжат)»;

саккизинчи қисмидаги «янги доимий яшаш жойи бўйича прописка қилинган» деган сўзлар «янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «янги доимий яшаш жойида рўйхатга турган» деган сўзлар «янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрда қабул қилинган «**Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида**»ги ЎРҚ–581-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 789-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **39-моддасининг учинчи қисмидаги** «паспорт маълумотлари» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **126-модда:**

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахсларни солиқ органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш уларга ваколатли орган томонидан идентификацияловчи ID-карталарни ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бериш билан бир вақтда амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи алоҳида ҳужжат берилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида у бир вақтнинг ўзида солиқ органларида ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйилган ҳолда берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган чет эл

юридик шахсларига (шу жумладан компаниялар ва бошқа корпоратив тузилмаларга) берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **127-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«ушбу Кодекс 126-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳисобланади»;

иккинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **132-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига уларнинг қуйидаги шахсга доир маълумотлари киритилади:

1) фамилияси, исми, отасининг исми;

2) фуқаролиги;

3) жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

4) паспортнинг ёки идентификацияловчи ID-картасининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;

5) яшаш жойи (манзили)»;

4) **133-модда:**

биринчи қисмидаги «паспорт маълумотларини» деган сўзлар «паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари идентификацияловчи ID-карталар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар ўрнига идентификацияловчи ID-карталар берилганлиги фактлари тўғрисида, бекор қилинган паспортлар ёки идентификацияловчи ID-карталар ҳақида ўзлари жойлашган жойдаги солиқ органларига ҳар ойда хабар бериб бориши, шунингдек турар жойни ижарага олиш (ижарага бериш) шартномаси, текин фойдаланишга бериш шартномаси мавжуд эмаслиги ёки ижарага олиш (ижарага бериш) шартномасининг солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этилмаганлиги бўйича аниқланган фактлар тўғрисида ўзлари жойлашган жойдаги солиқ органларига уч кун ичида хабар бериши шарт».

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-мод-

да, № 8, 800, 803-модда, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг:**

6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати берилганлиги учун, чет элдан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни берганлик учун, чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олганлик учун, шунингдек чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олганлик учун»;

12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12) чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чиқиш ёки кириш-чиқиш визаларини берганлик ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтирганлик, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик кириш-чиқиш визаларини расмийлаштирганлик, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визасининг амал қилиш муддати даврига вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик ва визанинг амал қилиш муддати узайтирилган даврда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган муддатини узайтирганлик учун, МДХга аъзо давлатлар фуқароларини, шунингдек фуқаролик ҳақида белгилари мавжуд бўлмаган собиқ СССР паспортлари билан МДХга аъзо давлатларидан келган шахсларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик, чет эл фуқаросининг, шу жумладан МДХга аъзо давлатлар фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга оид ҳужжатларини кўриб чиққанлик ва расмийлаштирганлик, чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат йўқолганлиги ҳақида маълумотномалар берганлик учун»;

2) **11-модда 5-бандининг учинчи хатбошисидаги** «турар жойда қайд этилган» деган сўзлар «доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат божини тўлашдан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспортини берганлик учун;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини:

яқин қариндошлари вафот этганда ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилганда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) мувофиқ улар хориж судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилганда;

вояга етмаган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда;

вояга етмаган шахс илм-фан, таълим, спорт ёки маданият соҳаларидан биридаги халқаро тадбирда ёки мусобақада иштирок этганда;

Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган шахсга, шунингдек унга ҳамроҳлик қилувчи шахсга хорижий давлатда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатилганда ёки жарроҳлик амалиёти ўтказилганда берганлик учун;

3) етим болага ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлган шахсга хорижга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини берганлик учун.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандларида кўрсатилган ҳужжатларга бирон-бир ўзгартишлар киритилган тақдирда ҳам давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар жойларнинг ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ёнғини, қулаши, транспорт воситаларининг ёниши) юз берганлиги натижа-сида жабрланган жисмоний шахслар йўқолган ёхуд ярқисқис ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси (биометрик паспорти), Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси (яшаш гувоҳномаси), Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахснинг хорижга чиқиш учун ҳаракатланиш ҳужжати ўрнига тегишинча шундай идентификацияловчи ID-карта, биометрик паспорт берилганлиги учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча бўлиб турган чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақида маълумотнома берилганлиги учун давлат божини тўлашдан озод қилинади»;

4) **15-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади»;

5) **18-модда биринчи қисмининг 15-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«15) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга хорижга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда»;

6) **22-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификацияловчи ID-картасини, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун, шунингдек чет эл фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи ID-карта берганлик учун, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, фуқаролик масалаларига доир аризалардан эса бундай аризалар берилгунига қадар тўланади»;

учинчи қисмидаги «яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик» деган сўзлар «чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун давлат божи ҳужжат берилаётганда тўланади»;

7) **илованинг 6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

6. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги хизматлар учун	
а) янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга идентификацияловчи ID-картасини берганлик учун	БҲМнинг 89 фоизи
б) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини берганлик учун	БҲМнинг 1 баравари
в) Ўзбекистон Республикасининг ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларига хорижга чиқиш учун биометрик паспорт берганлик учун	БҲМнинг 80 фоизи
г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга, шу жумладан ўн олти ёшга тўлмаган шахсга хорижга чиқиш учун ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун	БҲМнинг 1 баравари
д) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни, шу жумладан йўқотиб қўйилганларининг ўрнига янгиларини берганлик учун	БҲМнинг 5 фоизи
е) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларни ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиққанлик учун	БҲМнинг 2 баравари
Изоҳ. Агар шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг қарори қабул қилинмасдан қайтарилган бўлса, мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш ҳақидаги аризаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун илгари тўланган давлат божи асосида кўриб чиқилади.	

ж) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун	БХМнинг 2 фоизи
з) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун	БХМнинг 2 фоизи
и) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштирганлик учун	БХМнинг 20 фоизи

».

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–610-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 523-модда) **51-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳужжати» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлда қабул қилинган «**Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–627-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 447-модда) **34-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахснинг паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар».

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **29-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни»;

2) **83-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспортга ёки идентификацияловчи ID-картага ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга оид маълумотлар»;

3) **85-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «паспорт маълумотлари» деган сўзлар «паспортга ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-

си, 2021 йил, № 2, 146-модда) **22-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«паспортининг ёки идентификацияловчи ID-картасининг маълумотлари».

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 4 июнда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида**»ги ЎРҚ–692-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 6, 519-модда) **30-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

33-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 март,
ЎРҚ–759-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

114 Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш, жойларда аҳолини ташвишга солувчи ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш, ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш масалаларида адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулияти сезиларли равишда ошмоқда.

Шу билан бирга, «Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат» ғоясини рўёбга чиқариш адлия органлари тизимида маъмурий ислохотларни янада чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш ва интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда тизим имкониятларидан оқилона фойдаланиш, ушбу соҳаларда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш ҳамда мавжуд маъмурий тузилмаларнинг яхлит вертикал бошқарувини шакллантириш зарурати юзага келмоқда.

Мамлакатимизда адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш, аҳолига профессионал хизмат қиладиган ихчам ва самарали бошқарувни яратиш, декларатив хусусиятга эга вазифаларни бекор қилиш, функцияларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаш ва такрорланишларнинг олдини олиш орқали бюджет маблағларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда адлия органларининг роли ва масъулиятини янада қучайтириш мақсадида:

1. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссиясининг Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг ҳудудий марказларини вазифа, функция ва ваколатларини Адлия вазирлигига (кейинги ўринлар-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 мартда эълон қилинган.

да — Вазирлик) ўтказган ҳолда қўшиб олиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлик зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

а) аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш йўналишида:

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш ҳисобига тезкор, қулай ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш йўналишида:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ихтиролар, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш.

3. Адлия вазирлиги фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури I-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) юридик хизмат кўрсатиш марказлари, туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиаллари ҳамда ФХДЁ органлари барча ҳуқуқ ва ваколатларини сақлаган ҳолда туман (шаҳар) адлия бўлимлари тузилмасига ва бўйсунувига ўтказилади;

б) Вазирлик:

Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вори си ҳисобланади;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интеллектуал мулк (интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш) соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини ифодаловчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

в) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари уларни шакллантириш манбалари ва фойдаланиш йўналишларини сақлаган ҳолда барча қолдиқ маблағлари билан биргаликда Вазирлик тасарруфига ўтказилади.

Агентликларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари тегишли равишда Вазирликнинг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Интеллектуал мулкни ривожлантириш жамғармаси этиб қайта номлансин.

* I-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Вазирлик бир ой муддатда Давлат хизматлари агентлиги ва Интеллектуал мулк агентлигининг бино-иншоотлари, товар-моддий бойликлари, зарур ахборот тизимлари ва бошқа мол-мулкларини ҳамда тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясидаги вазифаларни амалга ошириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида 2022 йил 1 майдан бошлаб қўйидаги тартиб ўрнатилсин, унга мувофиқ:

қонунчиликка мувофиқ маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорларини қабул қилишда ҳудудий адлия органлари ижобий хулосаси олинishi белгиланган ҳолларда, бундай хулоса олинмасдан тегишли қарорларни қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди;

Вазирлик томонидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолияти мониторинг қилинади ҳамда унинг натижаси бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борилади.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2023 йил 1 апрелдан бошлаб: муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхалари мажбурий тартибда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ягона базасида (кейинги ўринларда — Ягона база) сақланади;

«Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси Ягона базани юритиш, техник таъминлаш ҳамда муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базага киритиш жараёнини мувофиқлаштириш бўйича масъул — оператор этиб белгиланади;

объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан жойлаштирилади;

муаллифлик ҳуқуқи объектларини сақлаш фаолиятини амалга оширувчилар (депозитарийлар) томонидан объектнинг электрон назорат нусхалари Ягона базага киритилгандан сўнг, унинг сақловга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим қилинади.

8. Вазирлик:

2022 йил 1 июлга қадар муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини Ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 январга қадар Ягона база ишлаб чиқилиб, жорий этилишини таъминласин.

9. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўзларига юклатилган вазифаларни самарали амалга ошириш учун қўйидаги кўшимча ваколатлар берилсин:

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима қўллаш;

давлат органлари ва давлат иштирокидаги ташкилотларда юзага келган меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш.

10. Вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

таҳлил ва тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларни, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти тўғрисида зарур статистик маълумотлар, таҳлилий материаллар, ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни давлат органлари ва ташкилотларидан бепул тарзда сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиёти билан Адлия вазирлиги билан биргаликда жойига чиққан ҳолда танишиш;

тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали олимлари, бошқа ходимлари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;

шартнома асосида ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағларни (уларни амалга ошириш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда) 80 фоизгача ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига йўналтириш.

11. Белгилансинки, давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рағбатлантириш шартлари Институт ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

12. Вазирлик тузилмасида:

а) бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида:

Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси, Халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармасидан иборат Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик департаменти;

Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси ҳамда Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармаси негизида Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бошқармаси;

Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси негизида Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси;

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш бошқармаси ҳамда Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси негизида Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилсин;

б) Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги қўшиб олиниши муносабати билан бўшаётган штат бирликлари доирасида:

Давлат хизматлари департаменти;

Интеллектуал мулк департаменти ташкил этилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Вазирликнинг янги ташкил этилаётган таркибий тузилмалари штатлари, биринчи навбатда, Вазирликка қўшилаётган Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги тизими ходимлари ҳисобидан тўлдирилади.

Вазирлик икки ой муддатда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) адлия бўлимлари ва давлат хизматлари марказлари раҳбарларини лавозимидан озод қилиш ҳамда ушбу лавозимни ички танлов асосида юксак малака ва юқори профессионал тайёргарликка эга бошқарув кадрлари билан тўлдиришни таъминласин.

14. Адлия вазирига:

Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасаларининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат хизматлари марказлари ва уларнинг филиалларига қўшимча штат бирликларини жорий қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий валютада ёки хориждаги ҳисобварақларига ўтказган ҳолда чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

15. Вазирликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги қошидаги Интеллектуал мулк консультатив маркази» давлат унитар корхонасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси сифатида қайта ташкил этиш;

Давлат хизматлари агентлиги ҳузуридаги «Давлат хизматларини ривожлантириш илмий-амалий маркази» давлат муассасасини Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат хизматларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси этиб қайта номлаш.

Белгилансинки, «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ ишларни, шу жумладан уларни рўйхатдан ўтказишга доир талабномаларнинг давлат экспертизасини ва улар юзасидан тегишли маълумотлар марказий сақловини амалга оширувчи махсус ваколатли ташкилот ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Вазирлик:

бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ Вазирликнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида 2022 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 март,
ПФ-89-сон

* 2-3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**115 Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш
стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3239-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони га мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон буйруғи (рўйхат рақами 3239, 2020 йил 4 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2020 й., 10/20/3239/0721-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ОРТИКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 март,
01/11-14/16-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2022 йил 4 мартдаги
01/11-14/16-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш
стандартига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**баҳоловчи** — белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан берилган баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахсдир;»;

2. 36-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«баҳоловчи ташкилотнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар;»;

3. 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Баҳолаш ҳақидаги ҳисоботга иловаларда баҳоловчи баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш жараёнида фойдаланган ҳужжатлар нусхалари, шунингдек баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома, баҳоловчиларнинг малака сертификатлари ва фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси нусхалари бўлиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

116 Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3353*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги 11-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертизаси соҳасида экспертлик ишларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 14 март,
6-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 15 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 14 мартдаги
6-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним
мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни
махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади) шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мутахассис фикри — жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида амалга ошириладиган тадқиқотлар натижаси юзасидан мутахассиснинг (суд экспертнинг) хужжат кўринишида расмийлаштирилган фикри;

тадқиқот намуналари — ўзида генетик маълумотларни сақлайдиган одамнинг биологик материаллари (қон, сўлак намуналари, соч толаси илдиз қисми билан, тирноқ қисмлари, суяк, тиш, мушак, сперма, эпителий, ҳомила ва бошқалар);

анкета — одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним тарзда мурожаат қилган буюртмачи томонидан тўлдирилдиган хужжат шакли.

2. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари (бундан буён матнда Суд экспертизаси маркази деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Суд экспертизаси маркази томонидан буюртмачиларнинг мурожаатлари асосида одам ДНКси суд-биологик экспертизасига (биринчи, иккинчи ва учинчи даражали қариндошликни, ядро ДНКси бўйича генотипни, Y-хромосома бўйича гаплогруппани аниқлаш) оид тадқиқотлар амалга оширилади.

4. Одам ДНКси суд-биологик экспертизасига оид тадқиқот (бундан буён матнда тадқиқот деб юритилади) натижалари бўйича расмийлаштирилган мутахассис фикри тавсиявий характерга эга бўлиб, ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

2-боб. Мурожаатларни қайд этиш ва тадқиқот намуналарини тақдим этиш

5. Суд экспертизаси маркази хизматидан фойдаланиш учун буюртмачи ўз хоҳишига кўра шахсан ўзи келган ҳолда ёки масофадан туриб Суд экспертизаси маркази веб-сайтидаги махсус платформада (бундан буён матнда махсус платформа деб юритилади) рўйхатдан ўтади.

Буюртмачи махсус платформада рўйхатдан ўтиш давомида мазкур Низомнинг иловасига* мувофиқ шаклдаги анкетани тўлдиради.

6. Анкетани тўлдириш жараёнида буюртмачилардан шахсига доир маълумотларини киритиш талаб этилмайди. Бунда, буюртмачиларнинг анкети алоҳида тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилади.

Буюртмачи томонидан анкета тўлдирилгандан сўнг, унга анкета рақами ҳамда мурожаатнинг (анкета) ҳолатини билиш, тўловни амалга оширилганлиги тўғрисида тўлов варақасини (квитанция) илова қилиш ва мутахассис фикрини олиши учун махсус белгилардан иборат бўлган ҳолатни текшириш коди берилади.

7. Анкетани тўлдириш жараёнида танланган тадқиқот йўналиши, намуналар тури ва сонидан келиб чиқиб тадқиқотлар учун тўланадиган тўлов суммаси махсус платформада автоматик равишда ҳисобланади.

Буюртмачи томонидан махсус платформада кўрсатилган миқдордаги тўловлар анкетага берилган тартиб рақам кўрсатилган ҳолда электрон шаклда ёки банк орқали амалга оширилади ҳамда тўловнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи квитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда квитанция мажбурий эмас) махсус платформадаги анкетага илова қилинади.

8. Буюртмачининг хоҳишига кўра тадқиқот намуналарини Суд экспертизаси марказига тақдим этиш учун зарур бўлган махсус тўпламлар (нуклеин карталар, зондлар ва бошқалар) буюртмачи томонидан кўрсатилган почта манзилига юборилиши ёки бевосита Суд экспертизаси марказига ташриф буюрган ҳолда олиниши мумкин.

Тадқиқот намуналари бошқа ташувчи воситаларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

9. Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилганидан сўнг тадқиқот намуналари Суд экспертизаси марказига анкета рақамини кўрсатган ҳолда почта алоқаси тармоғи орқали юборилиши, бевосита ташриф буюрган ҳолда тақдим этилиши ёки Суд экспертизаси маркази мутахассиси (суд эксперти) иштирокида олиниши мумкин.

Бунда, Суд экспертизаси марказига юбориладиган ёки бевосита топширилдиган намуналарнинг ҳар бирига махсус платформада автоматик тарзда генерация қилинган шифр рақами кўйилади.

10. Суд экспертизаси маркази мутахассиси (суд эксперти) иштирокида олинмаган тадқиқот намуналарининг сифати (яроқлилиги) учун буюртмачи масъул ҳисобланади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тадқиқотлар ўтказиш жараёнида Суд экспертизаси маркази мутахассиси (суд эксперти) иштирокида олинмаган тадқиқот намуналарининг сифатсиз (яроқсиз) эканлиги аниқланганда, амалга оширилган тўлов буюртмачига қайтариб берилмайди.

3-боб. Тадқиқотларни ўтказиш, мутахассис фикрини расмийлаштириш ва шикоятларни кўриб чиқиш

11. Суд экспертизаси марказига юборилган ёки бевосита топширилган тадқиқот намуналарининг тўлиқлиги, шифрланганлиги ҳамда қадоқлаш тартибига риоя этилган ҳолда тақдим этилганлиги масъул ходим томонидан текшириб олинади. Тадқиқот намуналарини қабул қилиб олиш давомида уларда бартараф этиб бўлмайдиган камчиликлар аниқланганида рўйхатдан ўтказилмасдан буюртмачига қайтарилади.

Бунда, тадқиқот намуналари буюртмачи томонидан Суд экспертизаси марказига бевосита ташриф буюрган ҳолда тақдим этилганда, тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда қабул қилиш рад этилади. Агар тадқиқот намуналари почта алоқаси тармоғи орқали келиб тушган бўлса, дарҳол кўрсатилган почта манзилига камчиликлари кўрсатилган далолатномани илова қилган ҳолда қайтариб юборилади.

Мазкур банд талабларига мувофиқ бўлган тадқиқот намуналари рўйхатга олинади ва лабораторияга йўналтирилади.

12. Буюртмачи ўз мурожаатини рўйхатга олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида махсус платформа орқали илтимоснома киритиши мумкин. Бунда, тадқиқотлар Суд экспертизаси маркази мутахассислари (суд экспертлари) томонидан уч иш куни ўтгандан сўнг бошланади.

Келиб тушган илтимосномага асосан Суд экспертизаси маркази беш иш куни ичида буюртмачи томонидан амалга оширилган тўловларнинг қайтарилишини таъминлаши лозим.

Тадқиқотлар бошланган ва реагентлар сарф этилгандан сўнг амалга оширилган тўлов буюртмачига қайтарилмайди.

13. Тадқиқот намуналари бўйича мутахассис (суд эксперти) фикрини бериш муддати унинг мураккаблик даражаси ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кунгача этиб белгиланади.

14. Мутахассис (суд эксперти) тадқиқот натижаси бўйича анкета рақамини кўрсатган ҳолда мутахассис фикрини расмийлаштиради ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

15. Расмийлаштирилган мутахассис фикри буюртмачи томонидан Суд экспертизаси марказига бевосита ташриф буюрган ҳолда ёки махсус платформага анкета рақами ҳамда ҳолатни текшириш кодини киритиш орқали олиниши мумкин.

16. Суд экспертизаси маркази мутахассиси (суд эксперти) ўтказилган тадқиқот жараёнида аниқланган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилиши мумкин эмас.

17. Буюртмачи Суд экспертизаси маркази мутахассислари (экспертлари) томонидан мазкур Низом талабларига риоя қилинмаганлиги ҳолатлари юзасидан шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Бунда, буюртмачи махсус платформадаги аноним мурожаатларни қабул қилиш бўлими орқали шикоят қилади.

18. Буюртмачининг шикояти келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижаси юзасидан махсус платформа орқали асослантирилган жавоб тақдим этилади.

19. Буюртмачи Суд экспертизаси маркази мутахассисларининг (экспертларининг) ҳаракати (ҳаракатсизлиги) бўйича белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

4-боб. Яқуний қоидалар

20. Тадқиқот ўтказиш жараёнида фойдаланилган тадқиқот намуналари буюртмачининг хоҳишига кўра унга қайтариб берилади.

Тадқиқот намуналари буюртмачи томонидан қайтариб олинмаганда, Суд экспертизаси марказида бир йил давомида сақланади.

21. Сақлаш муддати тугаган тадқиқот намуналари Суд экспертизаси маркази мутахассиси (суд эксперти) иштирокида ёқиб юбориш ёки махсус кимёвий моддаларни қўллаш орқали йўқ қилинади.

Суд экспертизаси маркази мутахассислари (экспертлари) томонидан тадқиқотлар учун тақдим қилинган намуналарни йўқ қилиш ҳақида далолатнома расмийлаштирилади.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ХИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

117 Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон «Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғининг 2019 йил 30 августдаги 5-сон буйруғи (рўйхат рақами 3185, 2019 йил 23 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.09.2019 й., 10/19/3185/3786-сон) билан тасдиқланган Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

И. ЭРГАШЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 8 март,
2-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
бош директорининг 2022 йил 8 мартдаги
2-сон буйруғига
ИЛОВА

**Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш
хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар
фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни
хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш
мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**мутахассис** — Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) ўсимликлар карантини бўйича мутахассислари ёки у томонидан жалб этилган мазкур соҳа экспертлари;»;

бешинчи хатбошидаги «Инспекцияга» деган сўз «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 4 ва 10-бандлар, 11-банднинг биринчи хатбошиси, 12-банд, 14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари ҳамда 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инспекция» деган сўзлар «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банднинг биринчи хатбошиси ва 16-банддаги «Инспекцияга» деган сўзлар «Агентликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 7-банддаги «карантини бўйича» деган сўзлар «карантини ва ҳимояси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «Инспекция» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Инспекция» ва «карантини бўйича» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «карантини ва ҳимояси бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 15-бандда:

биринчи хатбошидаги «Инспекция» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ўсимликлар карантини» деган сўзлар «ўсимликлар карантини ва ҳимояси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 18-банддаги «Инспекциянинг» деган сўз «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 20-банддаги «Инспекция» ва «Инспекциянинг» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 21-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва химояси бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 22-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «давлат инспекциясини» деган сўзлар «ва химояси агентлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

118 «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2107-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги 24 ва 2010-15-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақа-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 мартда эълон қилинган.

ми 2107, 2010 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 169-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 3 март,
5-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 26 февраль,
2022-06-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги
5-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
26 февралдаги 2022-06-сон қарорига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Номи ва 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**».

3. Низомда:

а) номидаги «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1 — 3-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 2010 йил

1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олишга (ўзининг, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши учун) йўналтириладиган тўловларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандида назарда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўзининг, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) ўқиши учун йўналтириладиган тўловларига (кейинги ўринларда ўқиш учун тўлов деб юритилади) камайтириш (кейинги ўринларда солиқ чегирмаси деб юритилади) кўринишида берилади.

3. Ушбу Низом мақсадларида олий таълим ташкилоти деганда олий таълимнинг таълим дастурларини (бакалаврият ва магистратура) амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган, ўз Устави ва Олий таълим тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1222, 2002 йил 22 февраль) асосида фаолият юритувчи юридик шахс тушунилади.

Профессионал таълим ташкилоти деганда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низом асосида фаолият юритувчи ташкилот тушунилади.»;

в) 4-банднинг учинчи хатбошиси «таълим кредитлари» деган сўзлардан кейин «(фоизлари билан)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзининг, фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) ўқиши учун тўланганда солиқ чегирмаси жисмоний шахс — таълим олувчига, шунингдек, агар ўқиш учун тўлов таълим олувчи йигирма олти ёшга тўлгунига қадар амалга оширилган бўлса, унинг ота-оналарига ва (ёки) хотинига (эрига) берилади.»;

д) 7-банддаги «олий ўқув юрти» деган сўзлар «профессионал ва олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларига ёки тижорат банкига олинган таълим кредитини (фоизлари билан) қоплаш эвазига иш берувчи томонидан ўтказиб бериладиган жисмоний шахснинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари.»;

ж) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «кредитни қоплашга» деган сўзлардан кейин «(фоизлари билан)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрти» деган

сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг профессионал ёки олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 13-банддаги «189-моддасида» деган сўзлар «393-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «Олий ўқув юртлари ва» деган сўзлар «Профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 16 — 18-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тўлов жисмоний шахс томонидан мустақил равишда (нақд пул ҳисобига, жисмоний шахсларнинг банклардаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидан ёки пластик карталардан фойдаланган ҳолда) амалга оширилганда, солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 396 — 398-моддаларида назарда тутилган тартибда давлат солиқ хизмати органларига жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш йўли орқали берилиши мумкин. Бунда, солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасига, солиқ даври учун кўрсатилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади миқдоридан берилди.

17. Солиқ чегирмасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун жисмоний шахс қўйидагиларни тақдим этади:

талаба (талабалар) билан Ўзбекистон Республикасининг профессионал ёки олий таълим ташкилотлари ўртасида тўлов-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;

Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳисоб рақамига (таълим кредитини (фоизлари билан) қоплаганда тижорат банки ҳисоб рақамига) пул маблағларини мустақил тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.

18. Агар солиқ чегирмаси суммаси жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади суммасидан ортиқ бўлса, қолган суммага солиқ чегирмаси уни олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахсларга берилди.

Давлат солиқ хизмати органлари ўзларида мавжуд маълумотлар ва тақдим этилган ҳужжатлар асосида мустақил равишда солиқ чегирмасини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа жисмоний шахслар томонидан солиқ чегирмаси кўринишидаги имтиёз суммаси қўлланилганлигини аниқлайдилар.»;

л) 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

119 Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 1 февралдаги ЎРҚ–748-сон «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/13-20-сон қарори (рўйхат рақами 3296, 2021 йил 4 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2021 й., 10/21/3296/0410-сон) билан тасдиқланган Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-банди тўртинчи хатбошисидаги «бундан мувофиқлик сертификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлар мустасно» деган сўзлар «бундан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2022 йил 3 майдан кучга кирази.

Раис

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
13/02-22-00081-сон

Келишилди:

**Савдо-саноат палатаси раиси
биринчи ўринбосари**

И. ДЖАСИМОВ

2022 йил 28 февраль

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

120 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғи (рўйхат рақами 2259, 2011 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд-тиббийёт экспертизасини тайинлаган ва суд-тиббий экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд-тиббийёт экспертизаси, мазкур органлар (шахслар) жойлашган ҳудуддаги суд-тиббий экспертиза муассасасида тегишли экспертиза турини ўтказишнинг имкони бўлмаган ҳолларда (текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса), ушбу муассаса томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.»

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 февраль,
6-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

121 Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3354*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Давлат тили ҳақида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 февраль,
221-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2022 йил
19 февралдаги 221-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Универсал телекоммуникация хизматлари ва
телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун
тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга
солиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом универсал телекоммуникация хизматлари ва телеком-
муникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни)
шакллантириш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

телекоммуникациялар тармоғи — узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва хужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи;

телекоммуникация хизматлари — оператор ва провайдернинг сигналлар ҳамда бошқа ахборот турларини телекоммуникация тармоқлари орқали қабул қилиш, узатиш, қайта ишлашга доир фаолияти маҳсули;

телекоммуникация хизматларининг айрим турлари — телекоммуникация хизматларининг фойдаланувчиларига пуллик (шартнома) асосида тақдим этиладиган, белгиланган сифатга эга телекоммуникация хизматлари тўплами (каналлар, трактларни ижарага бериш, ўрнатиш (инсталляция), тармоқлараро уланишлар, махсус алоқа хизматлари);

умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоғи — телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг ягона принциплари, уларни тақдим этиш ва ҳақ тўлашнинг тартиби асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи;

универсал телекоммуникация хизматлари — умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали барча фойдаланувчиларга кўрсатиладиган, белгиланган сифатдаги мажбурий хизматлар тўплами (фойдаланувчиларнинг бу тармоқдан фойдаланишини таъминлаш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари, телеграммалар жўнатиш ва бошқалар);

универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархлар-

ни) тартибга солиш — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун чекланган тарифларни (нархларни) белгилаш, ўрнатиш ва келишиш.

2. Мазкур Низом унинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари рўйхатидаги телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи устав фондидаги давлат улуши 75 фоиз ҳамда ундан ортиқ бўлган телекоммуникация операторлари ва телекоммуникация хизматлари провайдерларига (бундан буён матнда операторлар ва провайдерлар деб юритилади) нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом талаблари мобил телефон алоқа операторлари, идоравий тармоқлар операторлари, шунингдек устав фондидаги давлат улушининг миқдоридан қатъи назар, телекоммуникация провайдерлари томонидан қишлоқ жойларида кўрсатиладиган хизматларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) учун тарифларни (нархларни) тартибга солишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

хизматларга бўлган талабни максимал даражада қондириш ва фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

операторлар ва провайдерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

умумий фойдаланишдаги телекоммуникация воситалари ва тармоқларининг янада ривожланишини таъминлаш, телекоммуникация хизматлари бозорини кенгайтириш ва уларни тақдим этиш сифатини яхшилаш.

4. Хизматлар учун тарифлар (нархлар) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида белгиланади.

2-боб. Хизматлар учун тарифларни (нархларни) шакллантириш тартиби

5. Хизматлар учун тарифлар (нархлар) хизматлар гуруҳларининг (махаллий, қишлоқ телефон алоқаси, телеграф алоқаси, шаҳарлараро телефон алоқаси, халқаро телефон алоқаси ва бошқалар) таннархи ва соф фойда асосида, шунингдек чет эл алоқа маъмуриятлари ва компаниялари билан келишилган ҳисоб-китоб суммаларини (таксаларни) (халқаро алоқа хизматлари тарифлари (нархлари) учун) инобатга олган ҳолда белгиланади.

6. Хизматлар учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ҳисобот даврининг маълумотлари таҳлили, операторлар ва провайдерларнинг келгуси давр учун режалаштирадиган харажатлари ва соф фойдаси асосида амалга оширилади.

Хизматлар учун амалдаги тарифларни (нархларни) ўзгартиришга уларни кўрсатиш учун қилинадиган харажатларнинг (энергетика ресурслари, хом

ашё, материаллар, транспорт ва бошқа) нархлари, шунингдек, ҳисоб-китоб суммалари (таксалар) миқдори, эркин конвертация қилинадиган валюта курси ёки махсус қарз олиш ҳуқуқининг (СДР) ошиши ёки камайиши асос бўлиб ҳисобланади.

7. Хизматлар учун қилинадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Хизматлар учун тарифларни (нархларни) шакллантиришда билвосита моддий харажатларни, меҳнатга ҳақ тўлашга билвосита харажатларни, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатларни, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатларни тақсимлаш хизматнинг солиштирма меҳнат сифими (муайян хизмат турига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқарувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари) бўйича амалга оширилади.

8. Фавқулодда хизматларни (ёнғин хавфсизлиги хизмати, ички ишлар органлари, тез тиббий ёрдам, газ тармоғининг авария хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув хизмати) чақириш, шунингдек шаҳарлараро, халқаро телефон станциясининг буюртма ва маълумот хизмати, маҳаллий телефон тармоғининг таъмирлаш бюросига чиқиш барча фойдаланувчилар учун бепул амалга оширилади.

Фавқулодда хизматлар кўрсатилганлиги учун сарфланган харажатлар бошқа хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматнинг тегишли қарорларида ишонч телефонларига қўнғироқлар бепул амалга оширилиши тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган бўлса, мазкур қўнғироқлар бепул амалга оширилади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ишонч телефони ва ҳ.к.).

3-боб. Хизматлар учун тарифларни (нархларни) давлат томонидан тартибга солиш

9. Универсал телекоммуникация хизматлари учун тарифлар (нархлар) Вазирлик томонидан белгиланади.

Телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифлар (нархлар) Вазирлик билан келишилган ҳолда операторлар ва провайдерлар томонидан белгиланади.

10. Операторлар ва провайдерлар Вазирликни хабардор қилган ҳолда барча фойдаланувчилар учун белгиланган тарифларни (нархларни) камайтириш ҳуқуқига эга. Бунда, операторлар ва провайдерларнинг соф фойдаси улар томонидан тақдим этилган ҳисоб-китобларга мувофиқ амалдаги тарифлар (нархлар) бўйича аниқланади.

11. Хизматлар учун тарифлар (нархлар) аҳоли учун қишлоқ телефон

алоқа хизматларига тарифлардан (нархлардан) ташқари, уларни тақдим этиш харажатларини қоплаши, хизматлар бозорини ривожлантириш ва уларнинг номенклатурасини кенгайтириш, фойдаланувчилик қиймати ҳамда хизматларнинг сифатини ошириш учун керакли соф фойдани таъминлаши лозим.

Хизматлар фойдаланувчиларини сақлаб қолиш мақсадида хизматлар учун тарифлар (нархлар) уларнинг таннархи даражасида белгиланиши мумкин.

12. Бир хил турдаги хизматлар учун тарифлар (нархлар) фойдаланувчилар тоифалари (аҳоли, ташкилотлар), маҳаллий телефон алоқа хизматлари учун эса қўлланиш жойи (қишлоқ, шаҳар) бўйича табақалаштирилиши мумкин.

13. Телекоммуникация тармоқларига юкламани оқилона тақсимлаш мақсадида маҳаллий (ҳисоб-китобларнинг вақтбай шаклида), шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқа хизматлари учун тарифлар (нархлар) сутканинг соатлари, ҳафтанинг кунлари бўйича табақалаштирилиши мумкин.

4-боб. Хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

14. Вазирлик ўз ташаббуси билан ёки операторлар ва провайдерларнинг таклифига асосан хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш (тасдиқлаш, ўзгартириш, келишиш)ни амалга оширади.

Хизматлар учун тарифларга (нархларга) ўзгартиришлар киритиш янги тарифларни (нархларни) тасдиқлаш ёки келишиш орқали амалга оширилади.

15. Хизматлар учун тарифлар (нархлар) чекланган даражалари бўйича ҳисоб-китоблар операторлар ва провайдерлар томонидан амалга оширилади ва ушбу хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш учун ҳужжатлар Вазирликка тақдим этилади.

Операторлар ва провайдерлар таркибига кирадиган телекоммуникация хизматлари операторлари, провайдерлари хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифларини ўзлари таркибига кирадиган операторлар ва провайдерларга тақдим этади.

16. Операторлар ва провайдерлар хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар билан Вазирликка мурожаат қилганда, ушбу Низомнинг 3-иловасига келтирилган тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш зарурлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (ҳисоб-китоблар, бухгалтерия ва статистика ҳисоботи бўйича маълумотлар) ёзма ёки электрон шаклда тақдим этадилар.

17. Вазирлик тақдим этилган ҳужжатларни уларни олган кундан бошлаб 7 кун муддат ичида кўриб чиқади. Заруратга кўра, тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш учун телекоммуникациялар соҳасидаги малакали экспертлар келишув асосида жалб этилиши мумкин.

18. Вазирлик томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тарифларни (нархларни) тасдиқлаш ёки келишиш ҳақида қарор қабул қилинади ёхуд уларни тасдиқлаш ёки келишиш рад этилади.

19. Вазирлик томонидан хизматлар учун тарифларни (нархларни) тасдиқлаш ёки келишиш рад этилган тақдирда, операторлар ва провайдерларга рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда шу куннинг ўзида ёзма ёки электрон шаклда хабар юборилади.

20. Вазирлик томонидан универсал телекоммуникация хизматлари учун тарифларни (нархларни) тасдиқлаш ҳақида тегишли тарифларни (нархларни) амалга киритиш муддатлари кўрсатилган ҳолда буйруқ қабул қилинади ҳамда шу куннинг ўзида буйруқ нусхаси операторлар ва провайдерларга юборилади.

Телекоммуникация хизматлари айрим турларининг тарифлари (нархлари) Вазирлик томонидан келишилганда, келишиш ҳақидаги тегишли ҳужжатда тарифларни (нархларни) амалга кириш муддатлари кўрсатилади.

21. Хизматлар учун тарифларга (нархларга) ўзгартириш киритилганда, ўзгартириш киритилганлиги тўғрисидаги ахборот операторлар ва провайдерлар томонидан оммавий ахборот воситаларида ёки ўзининг расмий веб-сайтида тарифлар (нархлар) амалга киритилишидан камида ўн беш кун олдин эълон қилиниши лозим.

22. Операторлар ва провайдерлар Вазирликнинг хизматлар учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори ёки бошқа хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан норози бўлган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга ёки бошқа ваколатли давлат органларига шикоят қилишлари мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 21 январь

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 27 январь

Универсал телекоммуникация хизматлари ва
телекоммуникация хизматларининг айрим
турлари учун тарифларни (нархларни)
шакллантириш ва тартибга солиш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Универсал телекоммуникация хизматлари РЎЙХАТИ

1. Республика ичидаги хизматлар

Умумий фойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари

Асосий телефон апаратини улаш орқали симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланишни тақдим этиш (оператор томонидан битта фойдаланувчига битта рақам ажратилганда):

телефонлаштирилган хонада;
телефонлаштирилмаган хонада.

Симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган телефон апаратидан маҳаллий телефон сўзлашувини тақдим этиш:

сўзлашувлар вақтбай тўлов тизимида ўтказилганда;
сўзлашувлар вақтбай тўлов тизимида ўтказилмаганда.

Шаҳарлараро телеграф алоқа хизматлари

Телеграммани юбориш:

оддий;
шошилинч.

Шаҳарлараро телефон алоқа хизматлари

Шаҳарлараро телефон сўзлашувини тақдим этиш:

а) автоматик шаҳарлараро телефон алоқа бўйича;
б) автоматик алоқа бўлмаган йўналишларда телефончи оператор орқали буюртма бўйича:

оддий буюртма ёки тезкор тизим бўйича;
шошилинч буюртма бўйича;

в) автоматик алоқа очилган йўналишларда телефончи оператор орқали буюртма бўйича:

оддий буюртма ёки тезкор тизим бўйича;
шошилинч буюртма бўйича.

2. Халқаро хизматлар

Халқаро телефон алоқа хизматлари

Халқаро телефон сўзлашувини тақдим этиш.

Халқаро телеграф алоқа хизматлари

Телеграммани юбориш:
оддий;
шошилинч.

Изоҳ: Махсус алоқа операторлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар универсал телекоммуникация хизматларига кирмайди.

Универсал телекоммуникация хизматлари ва
телекоммуникация хизматларининг айрим
турлари учун тарифларни (нархларни)
шаклантириш ва тартибга солиш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Телекоммуникация хизматларининг айрим турлари РЎЙХАТИ

Республика ичидаги хизматлар Телеграф алоқа хизматлари (худудлараро ва зона ичи)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатда келтирилган муассасалар томонидан бериладиган «Тоифадан ташқари», навбатдан ташқари телеграммаларни юбориш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатда келтирилган мансабдор шахслар томонидан бериладиган «олий ҳукуматга оид», «ҳукуматга оид» телеграммаларни юбориш;
телеграф каналларини ижарага бериш.

Шаҳарлараро телефон алоқа хизматлари

Каналлар (трактлар)ни ижарага бериш (худудлараро ва зона ичи);
аналог канал (тракт)ни ўрнатиш (инсталляция);
аналог канал (тракт)ни ижарага бериш;
рақамли канал (тракт)ни ўрнатиш (инсталляция);
рақамли канал (тракт)ни ижарага бериш.

Тармоқлараро уланишлар

30-каналли тракт (Е-1)нинг қўйи частотали боғловчи линияси ёки битта каналнинг уланиш нуқтасини ажратган ҳолда маҳаллий даражада умумий фойдаланиш тармоғига уланишни тақдим этиш;

маҳаллий даражада рақамли канални ижарага олиш.

Махсус алоқа операторлари томонидан тақдим этиладиган хизматлар

Асосий телефон апаратини улаш орқали симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланишни тақдим этиш (оператор томонидан битта фойдаланувчига битта рақам ажратилганда):

телефонлаштирилган хонада;

телефонлаштирилмаган хонада.

Симли абонент линияси бўйича телефон тармоғига уланган телефон апаратидан маҳаллий телефон сўзлашувини тақдим этиш:

сўзлашувлар вақтбай тўлов тизимига ўтказилганда;

сўзлашувлар вақтбай тўлов тизимига ўтказилмаганда.

Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) кўриб чиқиш бўйича таклифларни киритишда тақдим этиладиган ҳужжатлар (маълумотлар) РЎЙХАТИ

Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) учун тарифларни кўриб чиқиш бўйича қўйидаги ҳужжатлар (маълумотлар) илова қилиниши зарур:

охирги ҳисобот даврида хизматларнинг барча турлари бўйича молиявий кўрсаткичлар, хизматлар ҳажмининг табиий ифодада (минут, Мбайт, Мбит/с ва бошқалар) ўзгариш динамикаси;

охирги ҳисобот давридаги чиқувчи сўзлашувлар алмашинуви;

кейинги ҳисобот даври учун хизматлар турлари бўйича амалдаги тарифлардаги даромадлар ва соф фойда прогнози;

кейинги ҳисобот даври учун ишлаб чиқариш таннархи тўғрисидаги прогноз маълумотлар;

кейинги ҳисобот даври учун режалаштирилган телекоммуникация воситалари ва иншоотларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун ажратиладиган маблағлар тўғрисидаги маълумот;

чет эллик ҳамкорлар билан тузилган шартномалар бўйича тўловлар графиклари;

охирги ва кейинги ҳисобот даври учун харажатлар, уларнинг таркиби ва миқдорлари юзасидан батафсил маълумотлар.

Халқаро хизматлар учун тарифларга ўзгартириш киритишда қуйидаги маълумотлар қўшимча равишда тақдим этилади:

тўлов зоналари бўйича ўртача ҳисобланган ҳисоб-китоб суммалари (таксалари, улушлари);

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси курсининг охирги ҳисобот даври учун эркин конвертация қилинадиган валютага ва махсус қарз олиш ҳуқуқига (СДР) нисбатан ўзгариш динамикаси.

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2022 йил
19 февралдаги 221-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 2000 йил 28 июлдаги 14-8/1553-сон билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 959, 2000 йил 18 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 16-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2017 йил 30 январдаги 149-мх-сон «Телекоммуникация хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 959-1, 2017 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10-сон, 151-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 4 мартдаги 01/11-14/16-сон «Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3239-1.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 мартдаги 6-мх-сон «Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси бўйича аноним мурожаат қилган шахсларнинг шахсига доир маълумотларни махсус белгилар асосида қайд этиш орқали тадқиқотларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3353

3. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директорининг 2022 йил 8 мартдаги 2-сон «Карантин остидаги маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолатини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3185-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги 5-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 26 февралдаги 2022-06-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2107-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил

10 мартдаги 13/02-22-00081-сон «Дастлабки, даврий ва тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3296-2.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 февралдаги 6-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-2.

7. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 19 февралдаги 221-мх-сон «Универсал телекоммуникация хизматлари ва телекоммуникация хизматларининг айрим турлари учун тарифларни (нархларни) шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3354.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 2000 йил 28 июлдаги 14-8/1553-сон билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматлари тарифларини шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 959, 2000 йил 18 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 959-1, 2017 йил 9 март).

2022 йил 18 мартда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.